

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYI HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 8 ЯНВАР, seshanba № 3 (14494)

## ЎЗБЕКISTONНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ УЧУН САРМОЯ

### Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси иш бошлаганига беш йил тўлди

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда ноқ мамлакатда таълим-тарбия масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ёш авлоднинг бугунги замон талабларига жавоб берадиган даражада билим олишларини таъминлаш борасида қатор муҳим тadbирлар амалга оширилди.

Хусусан, 1997 йилнинг 7 январида давлатимиз раҳбари Исрол Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси бу йўналишда катта воқеа бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари мазкур жамғарма йўлланмаси билан Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия каби дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли таълим масканларида ўқиш имкониятига эга бўлаётди.

Таъкидлаш керакки, ёшларнинг давлат ҳисобидан хо-

рижий мамлакатларда тахсил олиши алоҳида эътиборга моликдир. Негаки, дунёда ёшларнинг хорижда ўқиши учун кетадиган сарф-харажати тўла қўлайдиган давлатлар деярли йўқ ҳисоби. Қолаверса, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ёшларнинг ўзлари пул топиб ўқишади.

"Умид" жамғармаси йўлланмаси билан Буюк Британиянинг Бирмингем университетиде тахсил олганман. Ўқиш ва яшашим учун барча сарф-харажатларни давлатимиз тўлаётганини айтсам, сабоқдошларим ҳайрон бўларди, — дейди биз билан суҳбатда "Умид"чи ёшлардан бири Нарзулла Обломуродов.

Ўтган беш йил мобайнида жамғарма йўлланмаси билан 785 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртыларида тахсил олиш имкониятига эга бўлди. Улар асосан иқтисодиёт, бизнес ва менежмент, ҳалқаро ҳуқуқ, ахборот технологиялари ва ком-



БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

муникация воситалари, компьютер фанлари, қишлоқ хўжалиги, экология, журналистика, муҳандислик каби қатор йўналишларнинг ўттиздан зиёд мутахассисликлари бўйича ўқишга юборилмоқда.

Жамғарманинг ижрочи директори Музаффар Зиёевнинг айтишича, совриндорларни чет эллардаги ўқув даргоҳларига жойлаштиришда АҚШнинг ACCELS, Буюк Британиянинг Британия Кенгаши, Германиянинг ДААД ташкилотлари, шунингдек хорижий давлатларнинг мамлакатимизда

фаолият кўрсатаётган элчихоналари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кейинги вақтларда эса хориждаги таълим масканларининг бевосита ўзлари билан тўғридан тўғри алоқалар ўрнатилаяпти. Ўзбекистон Президенти Исрол Каримов 1999 йил АҚШга ташриф буюришида, Америкада тахсил олаётган ўзбекистонлик йигит-қизлар билан учрашган эди. Ушарушда Ўзбекистоннинг хорижда ўқиётган ёшлари Президент Исрол Каримовнинг мамлакат келажаги учун қўётган сармоясидир, деган

эътироф айтилган. Мушоҳада этсак, бу фикр замирида катта маъно ётганини англаш қийин эмас. "Умид" жамғармасининг ташкил этилиши ва ёшларимизнинг хорижда ўқишга юборилиши мамлакатимизнинг нафақат ички, балки, ташқи сиёсати учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизга ташриф буюрган англиялик бир меҳмоннинг куйидаги фикри эътиборга молик: Ўзбекистоннинг чет элларда ўқиётган ёшлари нафақат ўқиб-ўрганишда, балки хорижийликларга "Ўзбекистон фани" дан сабоқ ҳам беришади. Дарҳақиқат, бугун "Умид" йўналиши бўйича хорижда тахсил олаётган ватандош талабалар ўзларининг хорижий дўстларига мамлакатимизнинг салоҳияти, давлатимиз юритаётган сиёсатининг асли муҳияти, иқтисодий ислохотлар, халқимизнинг урф-одатлари ва маданияти тўғрисида гапириб берса, дунёда Ўзбе-

кистон ҳақида билувчилар сони ортади. Бу эса алалиқибат Ўзбекистон номи ер юзи бўйлаб тобора кенгрок ёйилишига хизмат қилади. Шу ўринда яна бир гапни айтиш жоизки, ҳар йили қанчадан-қанча ёшларнинг хорижда ўқиши учун нақд валютада катта миқдорда пул тўлаш давлат учун арзиманган иш эмас. Давлат эртанги кун учун, ўз фарзандларининг "кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши учун" ёшларнинг чет элларда тахсил олишини қўллаб-қувватлаётган. Бундан кўзланган мақсад кундай равшан: хорижда тахсил олиб қайтаётган ҳар бир йигит-қиз ўзи билан ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаларини, ақлий салоҳиятини ва янгиликларини олиб келиб, Ўзбекистонимизнинг тараққиёти учун хизмат қилсин. Улар зиммасида Президентимиз, йигирма беш миллионлик халқимиз кўрсатаётган ишончи оқлаш масъулияти турибди.

Фарҳод АРЗИЕВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси

## ДАСТАБКИ ЯКУНЛАР

ҲАР бир ташкилотда бўлганидек "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилоят Кенгаши ҳам ўзининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ўтган йилги иш фаолиятини муҳокама қилди. Аънавий ҳисоботлардан фарқи ўларок кенгаши йиғилишида туман ва шаҳар бўлимларининг фаолияти асосий йўналишлар бўйича қараб чиқилди. Булар: бошланғич ташкилотларда ишнинг ташкил этилиши, бўлимларда лозим тушумларнинг жамғарилиши, бўлимларнинг компьютер ва факс алоқа тармоғи билан таъминланганлиги, ходимларнинг сиёсий ва маънавий дунёкараши (тест синови бўйича) ва ниҳоят ёшлар нашрларига обуна бўлиш йўналишларидан иборат.

"Камолот"нинг фаолиятини фақатгина шу йўналишлар билан қамраб олиб бўлмастганини яхши биламиз, — деди Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши раиси Садрриддин Шаропов. — Бирок, дастлабки йилда ушбу кўрсаткичларнинг қай даражада бўлиши келгуси фаолиятимизнинг самарали бўлишини белгилайди.

Вилоят Кенгаши ҳайъати тўпланган маълумотлар асосида ҳар бир шаҳар, туман бўлимларига балл қўйиб чиқди. Ниҳоят, рейтинг жадвали эълон қилинди. Унга кўра, рўйхатнинг бошидан Шофиркон, Пешку, Қоракўл туманлари ўрин олди. Ўн учта туман ва шаҳар орасида охириги ўринларга Когон, Ромитан ва Олот туманлари тушиб қолди. Рейтинг ғолиблари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгашининг Фахрий Ерлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, дастлабки якунлар айрим туманда фаолият кўрсаткичлари талаб даражасида бажарилмаганини кўрсатди. Албатта, ишнинг бошланишида шундай ҳам бўлиши мумкин. Бу эса ўз ўрнида "Камолот"чиларни янада фаолроқ бўлишга, ёшлар орасига чуқурроқ кириб боришга ва ўз зиммаларидаги масъулиятни теран англашга ундайди.

С. КОДИРОВ

## «КАМОЛОТ» СОАТЛАРИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

"КАМОЛОТ" соатлари дарсининг навбатдаги машғулоты Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидаги олий ўқув юртыларининг бошланғич ташкилотлари етакчилари қатнашди. Бахс-мунозара асосида ўтган тадбир кўпчиликнинг дилдаги гапларни очиб ташлади, десак аниқлимаймиз. Бошланғич ташкилотлари етакчиларининг ўртага ташлаган фикрлари бизни қувонтирди.

Бекзод АБДУНАЗАРОВ

## ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қоракалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан бўш иш ўринларни тақомиллаштириш ва ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида "Ёшлар ва бандлик" дастури ишбош қилган эди. Шу кунгача Ҳаракатнинг бевосита иштирокида 3200га яқин ёшлар иш билан таъминланди. Кунги кеча Ҳаракатнинг Эллиқалъа тумани бўлими кенгаши яна бир ташаббус билан чиқди, яъни туманда жойлашган "Элтекс" ҳиссадорлик жамияти базасида Германиянинг "Ранани-холдинг" компанияси билан биргаликда масъулияти чекланган жамият шаклидаги табиий момиқ ишлаб чиқаришга иختисослашган Ўзбек-Лихтенштейн кўшма корхонаси ишга туширилди, бу билан яна янги иш ўринлари барпо этилди.

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикасида 762 та мактаб бўлиб, уларда тахсил олаётган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган кўплаб ўқувчилар Болалар ташкилотига аъзо бўлган.

Ҳозирда Халқ таълими вазирлиги ва унинг барча бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Айниқса, шаҳар ва туманларда турли мазуларда ўтказилаётган форумларда қоракалпоқ ёшлари фаол иштирок этишмоқда. Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилотининг биринчи форумида иштирок этган 8 нафар болалар ҳар хил йўналишларда ўзларининг билим ва ижодий маҳоратларини кўрсатиб, форумда биринчи ўринни эгаллаб, кўпчиликнинг диққат-эътиборини қозонди. Уларнинг Ватан туйғусини, ҳозирги экологик муаммони чуқур ҳис қила олиши кўпчиликда катта таассурот қолдириди.

Қоракалпоғистон ёшлари келажагимиз ёш авлод қўлида эканини таъкидлаётган Президентимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

М. ОТАМУРОВА

Қоракалпоғистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Болалар ташкилоти раиси

## ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ЎЗБЕКISTON Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича биз ёшлар етакчилари амалий ишларга киришдик, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси А. Ҳужакулов. — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан вилоят Адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, Термихунар бошқармаси билан ҳамкорликда Конституциясини ўрганишни ёшлар ўртасида оммалаштириш асосий қонунимиз мазмун-муҳиятини улар онгига етказиш мақсадида махсус кўшма қарор қабул қилдик.

Айни кунларда воҳадаги барча коллежларда ва университетда талабаларга ҳуқуқшунослар ҳамда соҳа мутахассислари сабоқ беришмоқда.

Бундан ташқари вилоят хотин-қизлар кўмитаси, касб-ҳунар бошқармаси, Ҳаракат вилоят кенгашининг ўзаро келишувига асосан "Конституция — бахтимиз пойдевори" номли кўрик-танлов ўтказиш режалаштирилди.

Чори ЖУМАКУЛОВ

## 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БУГУНГИДАЙ БАХТЛИ, ФАРОВОН ЗАМОННИ КЎРМАДИМ

дейди ромитанлик 105 ёшли Рўзигул момо РАҲМАТОВА

Амир замонида ҳам ҳозирги "Халқобод" ширкат хўжалиги ҳудудидеги қишлоқларда яшовчи аҳоли деҳқончиликда донг таратган эди. Айниқса, юқори Миришкор қишлоғида амлоқдорларнинг қатга-қатга ерлари бўлиб, уларда пахта етиштирилди. Бердивой исми деҳқон ана шу ерда ишлайдиган мардикор-у, чорикорларнинг бошлагани эди. Шофирконнинг Саврак қишлоғидан келиб, шу ерда баҳордан қузгача ишлаб ҳам кўриб юрган Бобомурод исми мардикор-деҳқон Бердивой билан қалин дўстлашиб қолади. Улар шу қадар бир-бирига оқибатли, қадрдон бўлиб кетишадики, Бердивойнинг Очил исми ўғлига Бобомуроднинг Рўзигул исми қизини болалигиданоқ унаштириб, қариндошлик риштасини ҳам бовлаб қўйишади.

Аmmo қиз ва йигит вояга етганларида икковларининг ҳам оталари дунёдан ўтишганди.

— Мени 1915 йилда акаларим Шариғбой ва Ўлмас олиб келиб, шу ерда никоҳда, тўйимни ўтказиб кетишганди, — дейди 18 ёшли келинчақ бўлган Рўзигул момо ўша навқирон кезларини хотирлаб. — Турмуш курганимиздан 4-5 йил кейин "Амир қочиб кетибди" деган гап тарқалган ва гада-ғовур замон бошланган эди. Раҳматни эрим ҳам қишлоқни ташлаб, билмайман, нима ишлар биландир Бухорога кетиб қолди.

Очил Бердиев 20-30 йилларда қишлоққа қайтди. Қишлоқда дастлабки мактабни ўзи ташкил этиб, биринчи ўқитувчи бўлган эди. Рўзигул эса ишлаб бошлади. Фақат бир нарсаси бахтли ҳаётларига раҳна солиб турарди. 1937 йилгача улар етти фарзанд кўришган бўлсада, бари бир икки ёшга етмасдан тусатдан вафот этарди. Уларнинг сабр-бардош ва илтижолари қабул бўлибми, кейинги икки фарзандлари Хурमतой ва Майсара тирик қолиб, сов-омон боловатга етишди.

1950 йилда Очил Бердиев

ишлаб турганида тусатдан вафот этди. Унинг ўлими доғи Рўзигулнинг юрагидан кетмай туриб, 1953 йилда қизи Хурमतой 18 ёшида оламдан ўтди. Хуллас, яққаю-яғона фарзанди Майсарани Рўзигул она 1958 йилда турмушга узатди. Кўёв ҳам шу қишлоқ фарзанди деҳқон йигит Намоз Жабборов эди.

Намоз ва Майсара биргаликда турмуш қуриб, саккиз нафар фарзанд кўришди. Рўзигул хола набираларини оқ ювиб, оқ таради. Бугунги кунда саккиз набирадан (уларнинг тўрт нафари қиз, тўрт нафари ўғил) Ниёз ва Фаёз тракторчи, Аҳмад ва Ақмал бухгалтерия ходими, Махбуба, Мунира, Матлуба, Ферузлар эса муалайима ва ўй бекалари сифатида элу юрт хизматини қилиб, фарзандларини ҳалол меҳнат орқасидан камолга етказиляптилар.

— Мен уч аср гувоҳи бўлиб, бугунгидай бахтли, фаровон замонни кўрмадим, дейди Рўзигул момо биз билан суҳбатда. — Худога минг қатла шуқр, Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб, ҳар бир инсон ўз бахтини яратиш имкониятига эга бўлди.

Рўзигул момонинг сўзлари бизни олис келажақ ҳақидаги хаёларга олиб кетди. XXI асрга қадам қўйдик. Уч асрни кўрган момонинг дил сўзларидан таъсирланмай бўладими? Момонинг яққаю-яғона қизи ва кўёви бутун 60 ёшдан ошиб, у каби қариялик таштини суришмоқда. 8 нафар невараси юрт ободлиги, ҳаётларининг фаровонлиги йўлида ўз меҳнатларини аяшмаяпти. 17 нафар эвараси эса эртанги кунимизга ярайдиган соғом-авлод сифатида камол топишмоқда. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

— Илоҳим, юртимизнинг ҳар бир фуқароси узоқ умр кўриб, одамларга кўпроқ яхшилик қилсин, ўзи ҳам яхшилик кўрсин, — деб дуо қилади момо.

Саидбурхон КОДИРОВ, «Turkiston» мухбири

## ИФТИХОРИМИЗ

Ҳамюртимиз Артур Григорян 16-бор жаҳон чемпиони бўлди. Унинг бу галги рақиб мексикалик Рекки Мартинсен шу кунга қадар 35 бор рингга чиқиб, 31 марта ғолиб бўлган. Артур унинг мағлубиятлари сонини бештага етказди ва унга жаҳон чемпиони бўлиш учун янада кўпроқ тайёрланиш зарурлигини уқдириб қўйди.

Юлдуз Усмонованин кўшиқларини эшитсам ичимда давваткор руҳ пайдо бўлади. Журятга тўламан, ўзимни қудратли ҳис қиламан. Кейинги пайтда менимча Артур Григоряннинг рингдаги ғалабалари ҳам Юлдузнинг кўшиқларини эслатадиган бўлди. Аслида кўшиқ билан бокснинг ўртасида жуда катта фарқ бўлсада, иккаласида ҳам бир хил нарсаси — инсонни қудратга, буюкликка йўлловчи боғлиқлик, яқинлик бор. Кўшиқ ижроси билан энгилмас боксчи ўз санъатини, ўзининг зўрлигини тўлиқ намойиш қила билгандагина уларни қузатиб турган учинчи одам ҳар иккаласидан ҳам завқланиб, дунёда ҳамма нарсаси боғлиқлигини ботинан ҳис қиларкан. Бўлмаса Юлдуз қаердаю, Артур қаерда?!

Артур Григорян профессионал рингда 5-6 марта жаҳон чемпиони бўлган, мен еттинчисида бўлмасам, саккизинчисида, саккизинчисида бўлмасам, тўққизинчисида уни кимдир тўхтатади, кейин ҳаммамизга алам қилади. Артур учинчи бор жаҳон чемпиони бўлолмади-да, деб армонда қоламиз деб ўйлаб бошлагандим. Бирок... Григорян кетма-кет ўзини бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Бунгача уни ҳеч ким енголмади. Мени баттар ваҳима босиб келди. "Артур ўнтасини ютиб, ўн марта жаҳон чемпиони бўлди. Энди ўн биринчи марта ҳам чемпион бўла олармикан", деган ташвишда қолдим. Ахир ўн марта жаҳон

ёши улуглик тўхтаташи мумкин, холос. Юқорида айтганимдек, бу мағлубият кучларнинг кам ёки қўллиги билан эмас, балки ёшлар

ўртасидаги номутонасиб-

## ЕНГИЛМАС УҒЛОН



чемпиони бўлган юртдошингни ҳали бирор марта ҳам ғолиблик шоҳсупасига кўтарилмаган кимдир ютиб қўйса, ундан ёмон азоб борми? Хайрият, бу ташвишларим ҳам ортда қолди.

Кунги кеча эшитдим, мени ҳар гал навбатдаги жангидан олдин изтиробга, ташвиш ва ҳаяжонга соладиган Артур Григорян ўн олтинчи марта жаҳон чемпионлигига эришибди. Эшитдимму, хавотирларим ўрнида бехисоб хайрат уйғонди. Шунақаси ҳам бўлар экан-да. Менимча, Артур энди энгилмайди. Аникроги унинг энгилгани ҳисобга ўтмайди. У энгил бўлди. Дунё тан олди. Профессионал рингда энгилмас эканлигини ҳалол исботлади. Бугун Артурнинг ёши 35 да. Шу ёшда жаҳон чемпионлигини қабул қилиш дунёдаги санокли одамларгагина насиб этган. Демак, Артур ана шу санокли одамларнинг биттаси саналади. Унинг ўн олтинчи ғалабасини эшитдимму, бўлди бас, уни тўхтадиган спортчи йўқ экан, деган қатъий қарорга келдим. Ва шуни ишонч билан айтаманки, Артур Григорянни фақатгина

лик орқалигина юз бериши мумкин. Биз учун қувончлиси шуки, кў-ўл ғалабадан кейинги мағлубият албатта кечирилмайди. Менимча, бунга ҳамма уйлаб юрган бўлса керак. Демак, ҳаммамиз Артурни тушунами. Унинг жанглари бизга Юлдуз Усмонованин кўшиқларидек яқин бўлиб қолди. Унинг ўн олтинчи бор чемпионлиққа эришини янги йилга муносиб совға бўлди. Янаям фахрланарлиси шуки, у ҳали профессионал рингда бирор марта ҳам мағлуб бўлгани йўқ, 34 жанг ва 34 ғалаба.

Нормурод МУСОМОВ, «Turkiston» мухбири

## ҚАРОР ТОПГАН ҚАДР

Чуст тумани Олмос қишлоғида жойлашган 17-ўрта мактабининг кекса муаллими Жанобиддин Камолов ўтган йил "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвонига сазовор бўлди. У ярим асрдикки, ёшларга билим бериб келаяпти. Унинг дастлабки шогирдлари алақачон нафақага чиқиб кетишган.

— Мен учун "Қарияларни қадрлаш йили" бундан ўн йил олдин бошланган-

ди, — деди Ж. Камолов. — Қирқ йил ишлаб топмаган обрўни кейинги ўн йилда топдим. Юсак унвон олдим. Қишлоқ ўқитувчисига кўрсатилаётган эътибордан кўнглим тоғдек ўсди. Кучимга куч қўшилди. Компьютерлар ёрдамида ўқувчиларга дарс бераман. Яйраб ишлайдиган замон келди. Ҳар тонг ишга отланар эканман, бунга кечадан яхшироқ сабоқ беришга интилан.

«Turkiston-пресс»

XXI аср — ёшлар асри

Хусниддин МИРЗАЕВ, Тошкент Информатсферология коллежини талабаси

Обука ДАВОМ ЭТМОҚДА

Янги дунё — ёшлар дунёси

«Обуна давом этади» танловиде қатнаштириш истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлишнинг тўғрисондаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жаънатини сўраймиз.

«УМИД НИХОЛЛАРИ» — КЕЛАЖАК УМИДИ



ХУҚУҚИЙ МА'РИФАТ

Самарқанд вилояти Пойариқ туманидаги 6-мактабда 2 минг нафарга яқин бола таълим олмақда. Уларга 140 нафар малакали ўқитувчи сабоқ бериб келаяпти.

таси касб-хунар коллежларига юқори балл тўлаб ўқишга қабул қилинди. Уларнинг бундай натижаларни кўлга қиритишнинг босиси бор, албатта. Мактабда ўнга яқин фан ва мусиқа, спорт тўғрисидаги мунтазам фаолият юрилади.

Инсоннинг чап елкасидаги шайтони лаъин азалдан унинг душманидир. Шайтоннинг измида юрган кишилар иймонун эътиқодидан, дину диёнатидан, инсофу виждонидан мусову бўлади. У инсон боласининг қулони қар, кўзини қўр қилиб, манкуртга айлантиради.

Самарқанд вилоят судида жиноий ишлари қўрилган ёш йигитлар ҳам шайтоннинг кўчасига қадам қўйганлардандир. Улар Нарпай тумани ва қўшни Навойи шаҳрида ҳамфиқрларини тўлаб, мавжуд ҳокимиятни кўлга олиш ва ислом давлатини қуриш мақсади бўлган жиноий гуруҳ туздилар.

Ун икки томлик жиноий иш саҳифаларини варақлар эканмиз, айна навқорон ёшдаги йигитлар Ватанига, халқига нафи тегиш ўрнига, унга хиёнат қилиб, шайтон тузоғига илиниб қолганлигидан афсусландик.

Сирож Раҳимов. 1974 йилда туғилган. Динни ниқоб қилиб олган ушбу жиноий гуруҳнинг бошлиғи, ўзини Нарпай тумани «амири» деб атаган. У пойтахт олийгоҳларида ўқиб юрган кезларида пана-пасткам хужраларда уйғур миллатига мансуб Муҳаммад Амин исмли шахсдан яширинча сабоқ олади. Уч йил мобайнида онгига экстремистик гояларни синдирган, Ўзбекистон Республикасида жиход қилиш йўли билан Ислам давлатини қуриш ва бунинг учун ўз тарафдорлари сафини кенгайтириш мақсадида «устози»нинг махсус топшириғи билан 1998йилда Нарпай туманига юборилди.

Абдуваҳоб Ҳакимов. 1974 йилда туғилган. Ушбу жиноий гуруҳнинг ташкил этилишида махсус бўлган шахс, С.Раҳимовнинг «маслакдош» ва курсдоши, ўзини Оқтош шаҳар «амири» деб атаган. 1996 йилда олийгоҳни тугатган, Муҳаммад Аминнинг махсус курсатмасига қўра, ўзининг туғилиб ўсган шаҳри — Оқтошга қайтиб келади ва ўртамактабда ўқитувчилик кала бошлайди. Диний сабоқ бериш баҳонасида Оқтош шаҳридаги иши ва ўқишининг тайини бўлмаган, маънавий қашшоқ ёшларни атрофига бирлаштириб, жиноий гуруҳ тузади.

Эндигина 18-19 ёшга қадам қўйган гўр ёшлар унинг қармоғига осонгина илинди. «Тошкентда диний мадрасаларга қараганда тез ўқитадиган хужралар бор, 3-4 ойда араб тилини ва Қуръон ўқишни ўрганасизлар, яшаш ва овқатланишларинг тексин» қабилидаги ёлгон ваъдалар билан А.Ҳакимов мунтазам равишда «қармоғига илинган ўлжалар»ни Тошкент шаҳрига — Сирож Раҳимовнинг олдига жўнатиб туради. Тор, қўёнинг заррача нури тушмайдиغان зах хужраларда Сирож ва унинг хорижий раҳнамолари ёшлар онгига обдон шайтоний фикр-ғояларни синдириб, яна Нарпай туманига жўнатади. Тошкент азиятининг яширин, ноқонуний хужраларида диний экстремизмининг манфур гояларидан сабоқ олиб қайтган «муллаваччалар» А. Ҳакимов атрофига бирлашди...

аудиокассеталардан бериб, бир эшитиб, кейин ёқиб ташланглар, дерди. «Гуруҳимиз сафини яна кенгайтиришимиз керак», деган сўзларни ҳам бизга тез-тез айтарди.

Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин бўлса ҳам очилади, дейди доно халқимиз. Динни ниқоб қилиб, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноий гуруҳнинг «фаолияти» узоққа чўзилмади. Чўқур илдириш отмасдан Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан унинг пайи қирқилди. Гуруҳ аъзоларининг уйларида тинтув ўтказилганда, жиноий қилмишларини қош этувчи бир қанча далилий ашёлар топилди. Хусусан, судланувчи М. Маматовнинг ҳовлисида кўмиб қўйилган 192 дона аудио ва 7 дона видеокассета, шунингдек, М. Хушвақтовнинг уйдан ҳам 7 дона видеокассета, Ҳ.Очиловнинг уйдан бир қанча диний адабиётлар ва аудиокассеталар топилган бўлиб, бу кассеталарда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига зид бўлган, мамлакатни босиб олиб, ислом давлати қуришга даъват этадиган ва жиход қилишга чорловчи маърузалар мавжуд эди. Улардан топилган видеокассеталар асосан хорижий давлатларда тайёрланган бўлиб, улар қонрабданга йўли билан мамлакатимиз ҳудудига олиб келинган. Гуруҳ аъзолари кассеталардан даъват востаси сифатида кенг фойдаланганлар.

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар» (V боб, 18-модда).

Кўриниб турибдики, Конституциянинг асосий моҳияти инсонга муносиб турмуш шароитларини яратиш, уни бахтли қилишга қаратилгандир.

Ўз навбатида «Давлат ўз қарорларини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (II боб, 14-модда). Қонунлар эса Конституциянинг бир бўлағи, яъни: «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция

Баш Қомусимизни варақлаймиз. Ундаги бандларни ўқиймиз, республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг энг олий оғзуни ушлаганига амин бўламиз.

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар» (V боб, 18-модда).

Кўриниб турибдики, Конституциянинг асосий моҳияти инсонга муносиб турмуш шароитларини яратиш, уни бахтли қилишга қаратилгандир.

Ўз навбатида «Давлат ўз қарорларини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (II боб, 14-модда). Қонунлар эса Конституциянинг бир бўлағи, яъни: «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция

киши ўз мулки жавобгарлиги доирасида иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу муносабатлар эса мулкдор ёки ҳужжаликни тўлиқ бошқарувчи субъект томонидан ҳаракатдаги қонунларга асосан бошқарилади. Қонунга қўра тадбиркор ўз фаолияти маҳсулини тақсимлашда

усулларидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам беради. Фақат у молия идоралари ҳузурда ҳисоб бериши мумкин. Бу Конституция-мизда куйидагича ифодаланган:

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқий устунилигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қароғайлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир» (XII боб, 53-модда).


Ғалпи мухтастар қилганда, бош Қомусимиз қабул қилинган мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи Ўзбекистон келажига буюк давлат, деган жипслаштирувчи гоя атрофда бирлашади. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик йўли танлаб олинди.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

ФАРОВОНЛИК КАФОЛОТИ

Конституциямиз янги ўзбек давлатчилигининг истиқболлини белгилаб берди

Берилди. Тадбиркор қонунларда таъқибкорликнинг амалга оширилиши мумкин. Чўки тадбиркорлик — бу фойда олиш мақсадида таваққулчилик асосида ишлаб чиқариш ёки ноишлаб, чиқариш йўли билан иқтисодга боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган фаолиятдир. Шу маънода тадбиркор



муқтали бўлиб, ўзига тегишли мол-мулкдан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, қонун тадбиркорга ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириши билан бирга ҳаракатдаги турли мулк шаклларида ва ҳужалик юритиш

YOSH TADBIRKOR—YOSHLAR QAPOTI

Тежамкорлик широнига айланган

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСДИ

Мансурхон Қўчқоров эзгуликлар фидоиси сифатида кўпчилик хотирасида қолди. У катта райат-шижоат билан фермер ҳужалиғи тузган эди. Ёнида доимо ўғли Ботиржон олиб юрарди. Улри поёнини сезган эканми, фермер ҳўжалигини юргизишни ўғлига обдон тушунтириб кетишга улгурди. Мухими, хали 20 ёшга қирмаган ўғлида фермер ҳўжалиғига, меҳнатга катта меҳр уйғотишга эришди...



Азиз АКРОМОВ олган сурат

MEVASIDAN DANAGI SHIRIN

У бунга осонликча эришгани йўқ

Шахрисабздаги 13-мактабнинг расм-чизмачилик фани ўқитувчиси ўрол Курбоновнинг шогирдлари Миср давлатига борармиш, деган гапга кўпчилик қишлоқдошлари ишонимда.

Йўланмани қаердан, қандай қилиб олишибди? Хайратланишни шуки, у қалам тутказган ўқувчининг бири Бангладешда, бири Хиндистоннинг Шанкар шаҳрида ўтказилаётган халқаро болалар расмоллик танловига қатнашиб, у чизган расмлар муносиб баҳоланди. Боз устига унинг шогирдлари вилоятда эмас, республика кўриқларида ҳам фаол қатнашиб, республика олимпиадаларида етакчи ўринларни олса, ўролбой қувонмай ким қувонсин. Шогирдлардан бир эмас, бир нечтаси ана шу ютуққа эришган. Бу осонликча бўлгани йўқ.

ЎРОЛБОЙНИНГ ҚУВОНЧИ

Ўқитишдаги бадий маҳорати, расм-чизмачилиқдаги услубий ишларнинг моҳир ташкилотчиси сифатида у Ўзбекистон расмоллар уюшмасининг Фахрий ёрлиғини олишга муваффақ бўлди. Ў. Курбонов бошқа ўқитувчилардан фарқли ўлароқ, ҳар бир дарсни, машғулотни ижодий изланувчанлик руҳида ташкил этишга интилади. Иқтидорли болалар билан алоҳида ва мунтазам ишлайди. Ўролжон тарбияланган болалар 2000 йил Бангладешда бўлиб ўтган, жаҳон миқёсидаги ёш расмолларнинг кўрик танловидан ғолиб бўлиб қайтишди.

Ў. Курбоновнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби бўлди.

«Туркистон-пресс»

«КўРМАСЛИККА ОЛИБ ЎТАВЕРИНГ, ТУШУНАСИЗ-КУ!»

Сирдарё вилоятидаги баъзи боғчалар аҳволига бир назар

Киш мавсуми ҳам айни аввало болажонларимизга кучини кўрсатади. Шундай экан, биз ҳам улар тарбияланаётган масканларга ошиқдик. Янгиердаги 12-болалар боғчасининг аҳволини ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Болажонларга гўшт, сариёғ, тухум берилмайди. Иссиқ сув келмайди. Ҳамширада дори-дармон йўқ. Боёвут туманидаги 3-болалар боғчасида бўлганимизда боғча мудараси Норҳол Махаматованинг илиқ муомаласидан аҳвол дуруст Шундан 75 нафари келган, қолгани касал шекилли, — дейди боғча мудараси. Соат 16-00 ларда биз борган бўлсак-да, (иш вақти 17-00 гача деб ёзиб қўйилган) боғчада мударадан ўзга бирон зот кўринмасди. Боғча биноси таъмирга муҳтож. Сувени эса ханузгача қўлда ташишар экан.

33-НИХОЛ БОЛМАЛАР БОҒЧАСИНИНГ ОРКА ТОМОНИ

Шухрат ШАРОПОВ

Эркин САИДОВ, «Turkiston» муҳбири

Халқаро кураш ассоциацияси раҳбарлари иштирокида йил якунларига доир анжуман бўлиб ўтди.

# КУРАШ

Кеча, бугун ва эртага

— Биз 2001 йилда бир қатор хорижий давлатларда ХКА уюшмаларини тузишга эришдик, — деди ассоциация президенти Комил Юсупов. — Утган йилда жаҳоннинг Мали, Нигерия, Эрон, Шри-Ланка ҳамда Жанубий Корея каби мамлакатлари вакиллари Халқаро кураш ассоциацияси таркибига қўшилдилар ва уларнинг сони бугун 40 нафарга етди. Яна шуниси диққатга sazovorки, яқинда ХКАнинг ижроия қўмитаси иш бошлади. Унинг таркибидан Голландия, Польша, Туркия, Венгрия, Боливия, ЖАР, Эрон, Хиндистон ва Ўзбекистон жой олди.

2001 йил Буюк Британияда иккинчи бор ўтказилган "Исломо Каримов халқаро турнири" ҳам кўпчилида яхши таассурот қолдирди. Энг қувонарлиси шундаки, бундан буён ўзбек кураши бўйича дунёнинг энг машхур полвони аниқланиб борилади. 2001 йилда бу номга бразилиялик спортчи Александр Катсураги sazovor бўлди. Аёллар ўртасида эса бу номга учинчи жаҳон чемпиони голиби, польшалик Дорота Сикора эришди. "Йилдаги энг машхур

усул" соврини мамлакатимиз вакили Абдулла Тангриева nasib этди. "Йилнинг энг машхур баҳиси" деб бразилиялик Марио Сабино ва ҳамюртимиз Баҳром Авазов кураши тан олинди. Мусобақаларнинг ташкиллаштирилиши ва савияси учун бериладиган соврин Буюк Британиянинг Дардфорд шахрида ўтказилган "Исломо Каримов халқаро турнири"га берилди ва у "Йилнинг энг машхур турнири" деб топилди. Хиндистонлик Жагдиш Татлер — Осиеда, ЖАР вакили Андрей Френч — Африкада, туркиялик Иброҳим Ўзтек — Европада, боливиялик Эдгар Клауре — Америкада "Кураш ривожига улкан хисса қўшган киши" мукофоти билан тақдирландилар.

# МАРАДОНА НИМА ҚИЛМОҚЧИ?



Дунё футболнинг собиқ "юлдузи" Диего Марadonaга мураббийлик рухсатномаси топширилди. Шу муносабат билан Аргентина мураббийлар ассоциацияси раҳбари, жаноб Кокко қуйидагиларни маълум қилди: "Биз Марadonaга "мураббий" унвонини бериш билан унинг футболдаги бекиёс хизматларини яна бир қарра таъкидламоқчимиз". Дарвоқе, Марadona шу кунга қадар Корьентеснинг "Мандийя" жамоасига, сўнг бугунги кунда мамлакат биринчилигида яхши натижалар қўрсатаётган машхур "Расинг" клубига раҳбарлик қилиб, нимага қодирлигини сўзловдан ўтказган.

# «БОЙВАЧЧА»ЛАРНИНГ ЙИЛЛИК «ХИРМОНИ»



Дмитрий МИХАЙЛОВ олган сурат

рин жамғармаси 570 миң долларлик Гамбург турниридаги муваффақияти (400 миң доллар) ҳамда "Мерседес" (Штутгарт)даги ғалабаси (300 миң доллар атрофида) шунингдек Цинцинати (АҚШ) ва Монте-Карлода бўлиб ўтган "Мастерс" серияси баҳсларида эришган натижалари йиғиндисирид. Яна бир теннис "юлдузи" Пит Сампрас эса йил давомида Куэртендан сал оз — 15 миллион доллар маблағ жамғаришга эришди. Аммо бу америкалик спортчининг йил бўйи бирорта ҳам мусобақада ғалаба қозонмагани яна ҳам ажабланарли бўлса керак. Чунки у энг нуфузли мусобақаларда ютқазиб қўлверган.

Россиялик машхур ракетка усталари Марат Сафин ва Евгений Кафельниковлар ҳам маблағ жамғариш пойғасида дунёнинг энг кучли теннисчилари бешлигига қўшилишди. Марат Торонто (АҚШ)даги йирик турнирдан сўнг кўп ўтмай, "бойвачча"лар рўйхатининг 4-пононасига жойлашиб олди. Унинг йиллик жамғармаси 1 миллион 200 миң долларни ташкил этган. Тақрибали спортчи Евгений Кафельников эса бу рўйхатда 5-уринини эгаллади. Унинг "ғазнаси"га йил давомида 1 миллиондан зиёд маблағ тушган. Сочлик спортчининг бу натижага эришишида у ғалаба қозонган соврин жамғармаси ярим миллион доллар бўлган Марсель (Франция) турнирининг аҳамияти катта бўлди. Шунга қарамай, россиялик тенниси ўз меҳнати етарли баҳоланмагандан норози.

# СПОРТ

## ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, КАТЪИЯТ

### ФУТБОЛ МИНИ-ФУТБОЛ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Россиянинг Санкт-Петербург шахрида Валентин Гранаткин хотирасига бағишлаб ўтказиладиган футбол турнирига қўша кетди. Кураша натижаларига кўра, "А" гуруҳида Санкт-Петербург, Украина, Литва ва Хитой ўсмирлар терма жамоалари ўзаро голиблик учун кураш олиб боришади. Ўзбекистонлик ёш футболчилар "В" гуруҳида Россия, Беларуссия ва Польша вакиллари билан куч синашади.

Хива ва Наманган шаҳарларида мини-футбол бўйича Ўзбекистон VI чемпионати 1-тур мусобақалари якунланди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Термо-Нафис" (Самарқанд вилояти) — "Жиззах-Д" — 3:2 "Жиззах — Д" — "Р. Мадаминов" (Хива) — 4:5 "Р. Мадаминов" — "Термо-Нафис" — 4:0 "Термо-Нафис" — "Р. Мадаминов" — 3:4 "Р. Мадаминов" — "Жиззах — Д" — 4:3 "Жиззах-Д" — "Термо-Нафис" — 0:1 1. "Р. Мадаминов" 2. "Термо-Нафис" 3. "Жиззах-Д"

# ЮРТИМИЗ «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАРИ ПАРВОЗИ

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Николай Шишов, Андрей Аюпанов ва Сергей Лушанлар Ростовнинг "Ростсельмаш" жамоаси асосий таркибидан жой олишди. Шишов ва Аюпановлар "Ростсельмаш" билан 2005 йилгача шартнома имзолашган. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ дарвозабони, Павел Бугалонинг омади Кисловодскдаги турикларда ҳам юришмаган.

# YOSH DIPLOMAT MINBARI

Амир Темури дипломатияси Дипломатия ғалабага эришининг энг арзон, беталофат йўли ва воситасидир. Қадимги Хитой манбаси Сунцзи (эр. ав. VI-V асрлар)нинг рисоласи Хитой трактатларида ёзилганидек: "Юз марта жаң қилиб, юз марта ғалаба қилиш курашларнинг энг яхшиси эмас, энг яхши кураш — қарши кучларни жаң қилмай енгишдир". Амир Темури ҳам худа-беҳудага қурол ишлатмади, қон тўкмади. "Қайси ишни чорая тadbир билан битиришининг иложи бўлса, унда қилч ишлатмадим" — дейилади. "Тузуқлар" да. Мазкур рисолаи ўқиб, шунга амин бўлиш мумкинки, Сохибқирон

рад этмаган ҳолда кўпроқ унинг фаолияти натижасига қараб баҳолашимиз зарур, деб ўйлаймиз. Қонлар тўкилишининг олди олинган, ахир. Ганимларини ширинсузлик, сийлов билан ўз томонига огдириб олиш ва рағбатлантириш усули ҳам тақрор истифода этилган. Бу ҳақда унинг ўзи: "Ганимларимни чучук сўз ва ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудигади ёндиргучи ғазаб ўтини тўғри тadbир суви билан ўчирмоқчи маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим." — дейди. "...Натижада Темури хузурига Кирмондан Султон Аҳмад, Яддан Шох Яхъё етиб келдилар, аммо Сиржонда (Шероз шарки) Султон Абу Исҳоқ қайсарлик қилди. Темури итоат қилиб бўйсунганларга

# «ОПЕЛЬ»НИНГ ПУЛИ ЕТМАЙ ҚОЛДИ

"Опель" автомобиль концерни немис футболнинг пешқадими — "Бавария" жамоасига янги йилда "ажойиб совга" тақдим этди. "Опель" автомобиль заводи бошлиғи Карл Петер Форстер Карл Хайнц Румменига ва "Бавария" жамоасига бериладиган хомийлик ёрдами мудоатидан илгарти бекор қилинганлигини маълум қилди.

Тошкент Политехника техникуми томонидан Тен Вечеслав Сергеевич номига берилган ГТ-1 №313105 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги "ZEHN-SERVIS" хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даво ва эътирозлар бир ой мобайнида қабул қилинади.

# ЭЛЧИЛИК ТИНЧЛИК САНЪАТИ

куч ишлатишдан кўра тadbир ишлатишни авлорқ деб билган. "Уз ўрнида қилинган тadbир билан саноксиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлу... ганим лашкарини енгиш қўшиннинг кўплигига, мағлуб бўлиш эса сипоҳининг камлигидан бўлмади. Балки, голиб бўлмоқчи Тангрининг мадади ва бандасининг тadbир биландир". Тузуқларнинг бодика бир жойида: "... Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз миңг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириш мумкин экан", — дейилади. Тилга олинаётган тadbирлар Амир Темури дипломатиясининг ранг-баранг усулларини ўзида мужассам этади. Уларнинг баъзиларини эслатиб ўтагимиз ва яна таъкидлашимизки, бу истифода этилган усуллар давр талаби, ўрта аср дипломатияси хусусиятларидан, қолаверса, Амир Темурининг шахсий сифатларидан келиб чиқиб амал хилъатини қилган. Араб муаррихи Ибн Дўқмоқчин "Ақд ал-жавоҳир" асаридида хикоя қилинишича, Амир Темури Дамашқни муҳосара қилганда (1400 йил декабрь — 1401 йил март) шаҳар қалъасидагилар узок вақт Темурига таслим бўлмай, қаршилик қўрсатаётган бир пайтда Муҳаммад пайғамбар ҳарамларидан бири Умма-ал-Хабибанинг қабрини ташландик ҳолда кўрган Сохибқирон қабр устига гўмбаз қуришларини буюради. Шундан сўнг шаҳарда унга хайрихоҳ қишлар кўпади ва улар Темури билан сулҳ тузишни ташвиқот қиладилар. Даржақат, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Али Яздий Боб-у-Сағир олдида унинг иккита қубба қурдирганлигини баён қиладилар. "Амир Сохибқирон Расулulloҳнинг (у зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) муҳтарам ҳарамларидан Умма Салама ва Умма Хабибанининг (у иккиларидан худо рози бўлсин) зиёратни бажо келтирмоқ учун отланди... Сўнгра у икки муборак мазор устига икки гўмбаз қўришга ишорат қилди... Ийгирма беш кун мўддат ичида икки олий гўмбази оқ тошдан бандан кўтардилар", деб хабар беради Шомий ўзининг "Зафарнома"сида. Рус тарихчиси В.В.Бартольд Темури ўзининг сийсий мақсадларини рўёбга чиқариш учун диндан фойдаланганини ўз асарларида эслатиб ўтади. Биз бу фикрни

иньом-эхсон кўрсатиб хилъат кийгазди ва бўйсунмай қайсарлик қилганларга озор бермади, ўзи билан муҳолифлари орасида ҳасса синдирмади", деб ёзади Ибн Арабшоҳ. Алхусус, Темури мағлуб душманларини кечира олиши билан тирик душманлари сафини озайтирар эди. Темури ўша машхур "бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" (divide et impera) деган нақлдан андоза олиб, ўз душманлари орасидаги фитнаю фироқдан унумли фойдаланган. "Бадахшон вилоятига эгаллик қилаётган Бадахшон шоҳлари эса менга қарши душманлик йўлини тутдилар. Уларнинг ҳар бири билан турли келишувлар қилдимки, улар бир-бирлари билан урушиб кетдилар. Охири меннинг паноҳимга келиб бўйсундилар", — дейилади "Тузуқлар" да. Айниқса, шимолдан кучли хавф солаётган Олтин Ўрда хони Урусхон (1361-1380 йй) даргоҳидан норози бўлиб келган Тўхтамашхон ва Идиқунинг Темури хузурига бош уриб келиши айни мудоао бўлди. Темури фурсатини бой бермай "соғини ўзида чқариб" қўяқолди ва тез орада ўзининг шимолий чегарасини хавфдан холи этди. Темури қаерда ҳозир бўлмасин, ўша ерда ўзига "хайрихоҳ", итоатли дастёрлар топа олар эди ва уларнинг хизматидан фойдалана биларди. Арабшоҳ буни ўз асаридида кўпалоқ тарзда шундай тасвирлайди: "У ўша ернинг ҳуёнларини ўша ернинг кўпаклари билан овлади". Масалан, Сивосни маҳв этишди Усмон Қорайлуқ, Арзижонда Тохартон хизматидан фойдаланди. Шу билан бирга Темури забт этган юртларда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳар бир фуқаронинг қалбига йул топа билди, бунинг учун эса, ҳар бир мамлакатда "адолат эшигини очиб, зулм йўлини тўсди". "...Хеч қимдан ўч олиш пайида бўлмадим. ...Хар эл ва мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ ва оқсоқолларни қадрладим, уларга совга-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим... Ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим".

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 8, 22 февраль кунлари соат 11-00да кимошди савдоларини ўтказади. Кимошди савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: - 1993 й. ишлаб чиқарилган "Мерседес Бенц" русумли, бошланғич нархи 1 млн. сўм; - 1991 й. ишлаб чиқарилган "ЗАЗ 968 МД" русумли, бошланғич нархи 45000 сўм; - 1981 й. ишлаб чиқарилган "Даймлер Бенц" русумли, бошланғич нархи 150000 сўм. Манзилими: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Маълумотлар учун телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

# Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмоил АБДУЛЛАЕВ Театр ва rassomчилик институтини тугатиб, Ёш томошабинлар театрига қабул қилинган. Ижро этган роллари ичида "Раҳмат, капитан" спектаклидаги Зафар, "Меҳр кўп кўргузди"даги Қобил ва "Ошиқ гариб"даги қаҳрамонларини кўпроқ севади. Асосан, ижобий образлар яратди.

— Биз сизни болалар кўрсатуви — "Оқшом эртаклари" орқали кўпроқ биламиз. Болаликка қайтиб ишлаш қийин эмасми? — Қийин. Чунки болалик ўтиб кетди. Энди фақат унинг хотиралари билангина яшашга тўғри келади. Аммо барибир завқли. Ширин-шакер болалар учун болаликка қайтмай бўлади-ми? Ахир, улар меннинг жону дилим. Катталарга роль ўйнаганимизда хато қилсақ, англамай қолишлари ёки кечириб юборишлари мумкин. Болалар эса кузатувчан бўлади, алдаш қийин. Аммо уларнинг олқишига sazovor бўлган лашкарлардан ортироқ бахтли лашкарлар билмадим. — Аксарият актёрлар билан сўхбат қилганимизда касбига меҳр болаликдан уйғонганлигини айтишади... — Мен ўша аксариятга қиймаман. Болалигимда қўшиқчи бўлишни орзу қилганман. Ҳинд қўшиқларини севиб тинглардим. Ҳиндистонга бориш энг катта орзуим эди. Каттароқ бўлса, телевидорда намойиш этилган спектакллари кижиқиб томоша қила бошлардим. Уларнинг бош қаҳрамонларига ўшағим келарди. Ёшим улгайган сари ўша қаҳрамонларни яратган инсонларнинг актёрлар эканини англаганман ва менда бу касбга қизиқиш уйғона бошлаган. Болалик йилларимни эсланганимда, бунда тарбиясида театрининг ўрни нечоғлиқ баланд эканини идрок этаман. Мактабгача тарбия муассасалари ва боғчаларда асосан сўз орқали бола тарбиясига таъсир қўрилган, театрда бу нарса сахна асарини орқали амалга оширилади. Бола сахна асарини ҳаётида гўвоҳ бўлган воқеадек қабул қилади ва унинг яхши томонларидан ибрат олади. Баъзида театрининг тарбиявий аҳамияти боғча ва мактабга нисбатан ҳам кучли бўлиши мумкин. — Саҳна асарининг кучига гўвоҳ бўлганимиз? — Режиссёр Омон Шариповнинг "Раҳмат, капитан" спектакли театримизда қўйилган эди. Унда болалар уйининг ҳаёти, тарбияланувчиларнинг машаққатлари, изтироблари, орзу-умидлари акс этган. Асар сўнгида бош қаҳрамонлар ота-онасини топади. Улар уруш пайида бир-бирларини йўқотиб қўйишган эди. Шу спектаклни томоша қилган ота-оналарнинг кўпчилиги болалар уйдан бола асраб олишганига ёки болаларини қайтариб олганларига гўвоҳ бўлганимиз. — Одамларимизда театрга бўлган қизиқиш суясагандай, назаримизда... — Мен бу фикрга қўши-



# КАЛИФОРНИЯ

"Катта уйин" лоторея чиптасини сотиб олган Сан-Хоселик 66 ёшли Алькарио Каstellанонинг омади келиб, 141 миллион АҚШ доллари тутиб олди. Штат аҳолисининг ҳеч бири бундай ютқазиб эришмаганди. У рекорд ўрнатди. Лекин унинг қўлига ютқунг 42,3 миллион тегади, қолган қисми эса солиққа сарфланади. Алькарио шунисиға ҳам шукр қилиб, келажак режаларини тузаяпти. У "Сан-Хосе меркьюри ньюс" газетасига берган интервьюсида айтишича, лоторея чиптасини вино дўконларидан бирида сотиб олган (унинг эгасига ҳам ютқунг 0,5 фоизи тегади). Эртаси куни эса қутилмаган шов-шув...

# ГЕРМАНИЯ


Астрологлар башорати ҳақиқатга тўғри келмай қолганга ўхшайди. Масалан, башоратчи Карим Нагель 2001 йилни "Тинчлик йили" деб башорат қилган эди, маълумки 11 сентябрь воқеалари бунинг аксини кўрсатди. Яна бир башоратчи эса "Яқин Шарқда уруш бўлишини" бир йил олдин айтган эди. У ерда эса 10 йилдан бери қон тўкилади, бундай "кашфиёт" қилиш учун эса "илоҳий қобилият"га эга бўлиш шарт эмас. "Туркияда ер қимирлаши"ни башорат қилган Фёльден ҳам уялиб қолди. Бундан кўриниб турибдики, айрим башоратлар ишончли эмас экан.

# ФИНЛЯНДИЯ

Ўрмонда арча кесиш Финляндия қонуниди таъқиқланган. Уларни махсус плантацияларда етиштириб, янги йил арафасида бозорга олиб чиқишади. Янги йилдан кейин эса "хизматини ўтаб бўлган" арчалар ёғоч ишлаб чиқариш фабрикаларига жўнатилади. Улардан озиқ-овқат махсулотларига солинадиган хушбўй зирворлар тайёрланади. Финларда бу ишлар тартибли равишда йўлга қўйилган.

# АҚШ


6 январь куни Cessna 172 русумли бир моторли енгил самолёт Сент-Питерсберг шаҳрининг (Флорида штати) аэропортидан кўтарилиб, 41 этакли Bank of America биносининг 15-этажига бориб урилди. Бу самолётни бошқаришга рухсатномаси бўлмаган, 15 ёшли мактаб ўқувчиси бошқарган. Самолётда ундан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Кейин маълум бўлишича, бу йигит ёғич учувчилар мактабиди тахсил оларкан, лекин ҳали самолётни мустақил бошқаришга рухсат берилмаган экан. Ўша куни инструктор уни самолёт ичида ёлғиз қолдириб, ўзи самолётни текширишга тушган. Қулай пайтдан фойдаланган "самолёт ўргиси" сўроқсиз ҳавога кўтарилган. У билан боғлиқ қилинган ҳаракатлар жавобсиз қолган, кетидан F-15 НОРАД русумли кирувчи самолётлар кўтарилади, лекин бироз кечикади. Ҳозирча буни террористик ҳаракат эмас, балки балоғат ёшдаги ўсмирлар муаммоси натижаси, деб ҳисоблашяпти.



Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади

# БОЛАЛАРНИНГ КАТТАСИ

лоймайман. Тўғри, техника тараққиёти, телевидение ва видеомагнитофонлар пайдо бўлиши бироз таъсир қилгандир. Шунга қарамай, жонли сахнанинг ҳам муҳлислари кам эмас. Авваллари театримизга болаларнинг мактаблардан, боғчалардан гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб келишарди. Кейинги пайтларда ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини етаклаб келишяпти. Дастуримиз ўзгарган пайтларда болаларнинг "биз ўша спектаклни кўргани келган эдик, нимага қўймайсизлар?" — деб хархаша қилишади. Хуллас, одамларни қизиқтириш, муҳлислар сонини ошириш театрининг ўзига боғлиқ. Қачон драматург ёзиб бераркан, биз қўярканмиз, деб ўтирмаслик керак. — Ёш актёрлар ижоди тўғрисида нима дея оласиз? — Нимагадир интилийшяпти, нимадир қилишяпти. Ана шундай ёшларимиздан Зафар Аскарлов, Бахтиёр Фозиллов, Фатхуллага Маъсудовларни айтишим мумкин. Бир гуруҳ ёшларимиз шу йил Германияга бориб келишди. У ерда "Боз Масхарабоз" спектакли билан фестивалда иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини эгалладилар. Уларга қараб туриб, талабалик даврим эсимга тушади. Уҳу, у йиллар маза қилганман. Турмуш юмушларидан йироқда, ёшиқ ишжолати билан тинимсиз ишлаганмиз. Ўқиш, касбини мукаммал эгаллашдан бошқа



ТАРИХ САДОСИ

Юртимиздаги кўна кадам-жолардан бери Қашқадарёнинг Касби кишлоғидаги Султон Мирхайдар обидасидир. Тарихий манбаларда бу обиданинг XI-XII асрларда бунёд этилгани қайд қилинган.

рихий обидалари жойлашган Хива, Бухоро, Навоий, Кармана, Нукус, Самарқанд, Шахрисабз, Қаршида бўлганликларини айтишиб, биз билан таассуротларини ўртоқлашди.

даб Манбаул из Зулкарнат Амр Сайид Шамсиддин Ҳайот қилди жума куни шаввал ойи-ни 20-сида 877 йил (1472 мелодий) деган ёзувлар мавжуд.

халигача етарлича ўрганилмаган. Султон Мир Ҳайдар ҳақида турли ривоятлар юради. У киши авлиёларнинг ажралиб турув-чиси, фахри, авлиёлар султони, ҳуқуқшунос олим, ҳожиди, етишган шайх, бутун олам алломаси ҳисобланган, дейилади манбаларда.

Иброҳим МУҚИМОВ, Касби тумани

ҲОЛАТ

Содаллик кишининг зийнати

У мағрур эди. Калондимоғ, ўз ўрнида ўжар ва қайсар. Шунданми, ҳар ўн та одамнинг камида саккизтасида ёмон таассурот қолдириши аниқ эди.

Кўзлар кўзга тўқнашганда, у боланинг юзлари ўзгарганини, кўзларида эса кўрқинч аралаш нафрат учқунлари порлаётганини сезди.

У эса боланинг орқасидан тикилиб қолди. Тўғриси, шу мурғак қалб эгасининг ўзидай бегубор сўзлари унинг жон-жонига бориб қадалди.

ИҚРОР

"Нега гўла-сан?... Сен қолувдинг ўзи менга қовоқ уймаган?" "Нега шунақасиз, ака?" У қотиб қолди. Чунки анча вақтдан бери унга ҳеч қим бундай ёқимли оҳанг-да гапирмаган, асосийси, "ака" деган сўз билан кўндан бери ҳеч қим мурожаат қилмаган эди.

У ҳақда кўннинг қалбини забт эта олмаслигини, оддийлик деган шу фазилат, яъни оддийлик ҳаммага яра-шишини (ҳатто ўзига ҳам) тушуниб етмасди, аниқ-роғи, тан олгиси келмас-ди. Айни шу лаҳзада негадир йиғлагиси келди.

Бехозд ФАЗЛИДИНОВ

ТУНГА

Бахтиёр РИЗО

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИ

— Дада, Ўзбекистон кенгми жуда ҳам, Неча кун кетади чиксақ айланиб? Саволга тутати Истиклол билан Тенгдош ўлим кўзи чамқокдек ёниб.

Уни жаннатмонанд хуш иқлим билан, Оллоҳ ардоқлаган, сийлаган тақдир, Бирок, унинг тенгсиз бойлиги битта — Сен севган, сени ҳам севувчи халқидир.



Кулинг, умрингиз узок бўлади

Операциядан кейин бемор хирург олди-га келиб, миннатдорчилик тариқасида сто-лга коньяк, француз шампани, увилдрик ва бошқа нарсаларни кўйди. Совғаларга ғам-гин қараб турган хирург сўрабди: — Менга қаранг, менинг пулларимни сарфлашга сизга қим рухсат берди?

ЮРЛАУМИНИНГ ҚЕЪНЛИКЛАРИДА

Жилмайд майсум гунчалар — Шабоданинг мажнунигида, Булутқанот чинорлар учар. Юлдузларнинг шундоқ тағида Бугдойзорлар олтинланди.

Эртагини минорлар шарҳлаб. Энг муқаддас каломлар билан Сир айтаркан сирли кошнлар, Меъморларнинг пинҳон кўшиги Янграй бошлар ҳар бир тошида — Юрагининг кенгликлариди.

Хуш ҳавога айланар бирдан, Юзларимдан ўлади сууб. Сўнг ям-яшил боққа айланар, Менинг сари — қўкка талпинган Кўзлар оша таниш кенгликлар Кириб келар ташна кўнглимга.

Кўрдим чашма севинчдан титраб Менга шаффоф лабин тутганин, Ўз шаштига махлиё дарё Бир қултум сув бермай ўтганин.

Turkiston newspaper logo and address information: Газета Ўзбекистон Давлат Босмага тоширинг вақти 21.00

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ. Ботир УБАЙДУЛАЕВ, Асаидин БОЛИЕВ, Юсуф ЖУРАЕВ...

Вилоят мухбирлари: Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 — 6-03-75

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 136-54-62.

Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилади. Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Кўнгулдан кўчирмалар

\* Инсон ҳаёти чексизлик олдида чанг заррасидек гап. \* Зерикиш, кўрқин, умидсизлик, ҳасад, адоват, иродасиз-лик банди бўлган одам ўз умри илдизига болта уради.

Меҳри момо ўттилари

1993 йили эди. Юнусобод-лик 130 ёшли Меҳри момо ҳақида эшитиб, ул муборак зот хонадонларида бўлиб, суҳбат-ларидан баҳра олган эдим.

Сўз ўйини

Tables of word games and puzzles. Includes a grid with letters and a list of words: КОР, ДОН, СОН, ИЖА, ДАВ, ВИЯ, ХАР, ЛИЯ, ФАФ, ИФА, ШАБ, УНА, ХУШ, ЛИФ, НОР, ГУЛ, МА, АН, КОН, ТОН, ФИ, ИР, МАС, ДИЙ, УР, ОР, НАВ, ВОН, ЧЕР, БОЙ, КАМ, МАТ, БАД, ДОБ, БАР, МИР, МАЗ, ТАК, МИС, ДИК, СЕТ, СТА, КАЛ, ЛИФ, УСТ, ЛАШ, ПАТ, БАТ, ХУШ, ТИҚ, КУР, КОР, ЖАЗ, ТИҚ, БАТ, ВУЗ, ТОП, РОҚ, МИР, НАМ, ЛАБ, РОҚ, ГУЛ, ДАҚ, РУС, АРА, МАХ, МОН, БАР, ЖАР, ДИР, КОР, ЛИР, РУС, БАЙ, ЛИН, ТАС, ЗОД.

Тузувчи: Холхўжа БАДИЕВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилади.